

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Л. Бегимкулова	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
Ш.Рискулов	
XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосиёсий вазият.....	174
А.Нишонов	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳокими.....	179
С.Мўминов, Н.Кўлдашев	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
Ф.Маматкулова	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
Ш.Низамова	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
М.Нуъмонжонова	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
С.Хақназарова	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
М.Хамидов	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
Г.Ҳимматова	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
И.Доронина	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
Э.Гиздулин	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
Г.Розиқова, Э.Маруфова	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
Д.Юлдашева	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
Н.Умарова, Х.Фаттоҳов	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
Н.Расулова	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
М.Саидова	
К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
Н.Каримова	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
З.Позилжонова	
Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
Н.Турсунова	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
Ф.Анварова	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни.....	238
Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....	246

УДК: 809.1+034

К.БОЛДИКНИНГ “АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ
ОКСФОРД ЛУҒАТИ” ДАГИ МУРАККАБ ТАРКИБЛИ АДАБИЁТШУНОСЛИК
ТЕРМИНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ СЛОЖНОСОСТАВНЫХ ЛИТЕРАТУРОВЕДЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ СЛОВАРЯ
К. БОЛДИКА “КРАТКИЙ ОКСФОРДСКИЙ СЛОВАРЬ ЛИТЕРАТУРОВЕДЧЕСКИХ
ТЕРМИНОВ”

THE ANALYSIS OF COMPLEX LITERARY TERMS IN
“THE CONCISE OXFORD DICTIONARY OF LITERATURE TERMS” BY Ch. BALDICK

М.Саидова¹

¹М.Саидова

– Бухоро давлат университети, таянч докторант.

Аннотация

Илмий адабиётлар таҳлили герман тилларида адабиётшунослик терминларининг бир хил ва бир текис ўрганилмаганлигини кўрсатади. Тадқиқот объекти қилиб олган адабиётшунослик терминлари славян, роман ва герман тилларида мутлақо ўрганилмаганлигини кўриш мумкин. Шунинг учун фалсафа, маданият ва маънавият, этика, эстетика, дин ва тасаввуф, тилшунослик ва, айниқса, адабиётшунослик терминларини ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ушбу мақолада адабиётшунослик терминларининг герман тиллари мисолида ўрганилганлик даражаси ва аҳамияти тўғрисида тўхталиб, Крис Болдикнинг “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms” луғатидаги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлилга тортилган.

Аннотация

Анализ научной литературы показывает, что литературные термины в германских языках не изучались одинаково и плавно. Литературные термины, ставшие предметом исследования, почти не изучались в славянских, романских и германских языках. Поэтому актуальным является изучение терминов философии, культуры и духовности, этики, эстетики, религии, лингвистики и особенно литературоведения. В данной статье рассматриваются степень изученности и значимость литературных терминов на материале германских языков; дается классификация сложносоставных литературоведческих терминов словаря Криса Болдика “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms”.

Annotation

The scientific research shows that literary terms in the Germanic languages were not studied uniformly. Literary terms, which were the subject of our research, have hardly been studied in the Slavic, Roman and Germanic languages. Objectives and methods: Therefore, it is relevant to study the terms of philosophy, culture and spirituality, ethics, aesthetics, religion, linguistics and especially literary criticism. The degree of study and significance of literary terms are carried out in the given article. The article gives classification of complex literary terms of the dictionary “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms” by Chris Baldick.

Таянч сўз ва иборалар: адабиётшунослик термини, туб, ясама, мураккаб, от таркибли, сифат таркибли, валентли компонент.

Ключевые слова и выражения: литературоведческий термин, простой, производный, сложнопроизводный, субстантивный, адъективный, валентный компонент.

Keywords and expressions: literary term, simple, derivative, complex, substantive, adjectival, valency component

Сўнги йилларда тилшунос олимлар ва мутахассисларнинг турли хил адабиёт соҳаларидаги терминология муаммоларига бўлган қизиқишлари тобора ўсиб борди ва бу, адабиёт фанларнинг интеграциялашув жараёнлари бўйича ривожланган илмий ахборот оқимининг вужудга келишига асос бўлди. Терминология – ижтимоий мулоқотнинг энг муҳим воситаларидан бири, умуман тилнинг мавжудлигига катта таъсир кўрсатади. Термин тузиш ва яратиш мавжуд бўлган

маълумотлар, мақсадли қидирув асосида ифодаланиши мумкин. Тиллар учун терминологик маълумотлар муҳим аҳамият касб этади. Терминология соҳасида термин ўзлаштириш жараёни узоқ вақт давомида ўрганилган. Шунга қарамай, бу масаланинг тарихига эътибор етарлича қаратилмаган. Шу сабабли ҳам янги пайдо бўлаётган терминларнинг фойдаланиш соҳасидаги зиддиятларга дуч келамиз. Шуни таъкидлашимиз жоизки, терминлар ҳар бир

тилда бир хил бўлмайди, чунки уларнинг пайдо бўлиш тарихи, фойдаланиш соҳаси ва, албатта, терминларнинг ясалиш қонун-қоидалари ҳам турлича бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда инглиз адабиётшунослиги терминологиясида янги терминларнинг пайдо бўлиши жараёни жуда сезиларли даражада кучайган. Бу, нафақат инглиз тили учун, балки бошқа кўплаб тиллар учун ҳам ўзига хосдир. Тил лексикасида янги сўзларнинг, яъни неологизмларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли юқори бўлиб келмоқда.

Адабий атамашунослик масалаларига мурожаат қилишнинг асосий сабаби адабий тараққиётни кўллаб-қувватлаш учун адабиётшунос олимларнинг маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши билан изоҳланади.

“Термин” концепциясининг кўп қирралари ва термин тизими шакллантирилишининг ўзига хос хусусиятларига кўпгина адабиётшунос олимларнинг илмий изланишлари бағишланган. Масалан, Р.Дудок адабий даврнинг семантик тузилишини ва унинг махсус матндаги структуравий-семантик салоҳиятини ўрганиб чиқди. М.Медведь эса замонавий атамалар тизимининг элементи сифатида термин шаклланишининг турли қирраларини ўрганди. Инглиз адабий атамашунослигини ўрганиб чиққан олимлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: Е.Мишак инглиз адабий терминологиясининг тизимини ўрганган ва чуқур таҳлил қилган, Л.Рутикова адабиёт терминологияси тизими ва инглиз тили ривожланишининг умумий тенденцияларини ўрганиб, рус ва инглиз адабиётида қўлланилган бир компонентли терминларнинг морфологик хусусиятларини тадқиқ қилган, С.Васильева ва Т.Кудинованинг диссертация тадқиқотлари мавзуси инглиз тилида кўп қиррали терминларни ўрганишга бағишланган.

Адабиётшунослик терминларни лингвистик жиҳатдан ўрганиш ва ривожланиш нуқтаи назаридан қуйидаги терминологик гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) бошқа атамалар тизимидан олинган ва уларнинг асл маъносини сақлаб қолган содда терминлар - *carol, catharsis, ghazal, icon, kabuki, ode, paraphrase, parody, tableau, vernacular* ;

2) ясама ва мураккаб терминлар - *Ultra Grupo, trumbling verse, telescoped metaphor, mock-heroic, mezzo-zeugma*;

3) турли адабий терминлардан олинган ва бирлашган қўшма терминлар - *avant-garde, belles-lettres, Bildungsroman, carpe diem*

Рус олими С.В. Гринев-Гриневиц фикрига кўра, атамалар термин-сўзлар (бир морфемали ва кўп морфемали) ва термин-бирикмалар (икки ва ундан ортик ўзакли лексемалар)га бўлинади. Ана шу таснифдан келиб чиқиб, адабиётшунослик терминларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин: содда, ясама ва қўшма сўзлар [4. 102].

Ушбу мақоламизда тадқиқотимиз объекти ҳисобланган Крис Болдикнинг “The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms” луғатидаги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлилга тортилган.

Мураккаб ҳосилали адабиётшунослик терминларига от сўз туркумли ва сифат сўз туркумли композитларни киритишимиз мумкин. Ушбу бирикмаларнинг қўшма сўзлардан фарқи уларнинг ажратилиб ёки дефис билан ёзилишида, деб ҳисобланади. Биз таҳлилга тортган Крис Болдикнинг адабиётшунослик терминларининг қисқача Оксфорд луғатидаги мураккаб терминлар 246 тани ташкил қилди. Улардан биринчи ўринда от составли мураккаб адабиётшунослик терминлари туради, улар терминларимизнинг 237 тасини ташкил қилди. Фақатгина 9 та терминимиз сифат составли мураккаб адабиётшунослик терминлари гуруҳига киритилди.

От таркибли мураккаб адабиётшунослик терминлари миқдори кўп бўлиши билан бирга турли морфологик структурали бўлиши билан ҳам характерланади. Барча мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари сингари от составли мураккаб терминларнинг морфологик тузилиши ҳам икки мустақил асосдан иборат. *NN* таркибли қўшма адабиётшунослик терминлари 27 %, биринчи ўринни эгаллаган *AdjN* таркибли адабиётшунослик терминлари 55%, *NumN* 1%, *NPN* 7% луғатимиздаги от сўз туркумли адабиётшунослик терминларини ташкил қилди. Бундан ташқари, *NNN, AdjAdjN, AdjNN, NumNN, AdvAdjN* таркибли учта мустақил маънога эга сўзлардан иборат адабиётшунослик терминлари ҳам луғатимизда учради. Қуйида ҳар бир берилган морфологик структураларимизга мисоллар келтирамыз:

1. *AdjN* – 135 та термин: *academic drama, accentual verse, alliterative metre, alliterative revival, American Renaissance, amoebean verses, Attic style, Augustan Age, aureate diction, automatic writing, binary*

opposition, black comedy, blank verse, broken rhyme, bucolic poetry, Celtic Revival, Chaucerian stanza, chivalric romance, choral character, chronicle play, closed couplet, common measure/metre, comic relief, comparative literature, confessional poetry, courtly love, Cowleyan ode, crossed rhyme, cultural materialism, curial sonnet, deep structure, detective foot, dirty realism, domestic tragedy, double rhyme, dramatic irony, dramatic monologue, dumb show, duple metre, egotistical sublime, epic simile, epic theatre, epistolary novel, falling rhythm, feminine ending, fixed forms, free verse, Georgian poetry, goliardic verse, Gothic novel/romance, hermeneutic circle, heroic couplet, heroic drama, heroic poetry, historical novel, higher criticism, Hudibrastic verse, illocutionary act, imperfect rhyme, implied author, implied reader, incremental repetition, intentional fallacy, internal rhyme, intrustive narrator, irregular ode, Italian sonnet, leonine rhyme, light verse, literary criticism, liturgical drama, long measure/metre, macaronic verse, magic realism, Martian poets, masculine ending, masculine rhyme, Menippean satire, Varronian satire, metaphysical poets, Miltonic sonnet, mixed metaphor, mosaic rhyme, negative capability, New Comedy, New Criticism, new historicism, nursery rhyme, occasional verse, Old Comedy, omniscient narrator, oral tradition, organic form, pathetic fallacy, periodic sentence, perlocutionary act, picaresque novel, poetic diction, poetic drama, poetic justice, poetic license, postcolonial literature, practical criticism, purple patch, quantitative verse, recessive accent, rhetorical figure, rhetorical question, rising rhythm, romantic comedy, romantic irony, Russian Formalism, Senecan tragedy, sentimental comedy, sentimental novel, Shakespearean sonnet, short measure/metre, short story, Spasmodic School, Spenserian stanza, sprung rhythm, syllabic verse, tall tale/story, textual criticism, topographical poetry, tragic irony, tragic flaw, transferred epithet, triple metre, triple rhyme, unreliable narrator, Varronian satire, weak ending, wrenched accent.

2. *NN* – 67 та термин: alienation effect/A-effect, ballad metre/stanza, beast fable, Beat writers, Bloomsbury group, bodice-ripper, burns stanza/metre, Cambridge school, campus novel, catalogue verse, Chicago critics, city comedy/citizen comedy, closet drama, commonplace book, concrete poetry, conversation poem, copy-text, courtesy book, curtain-raiser, discussion play, dream version/allegory, dub poetry, end rhyme, eye rhyme, folk song, frame narrative/story, Geneva

school, graveyard poetry, Grub street, Harlem Renaissance, history play, interior monologue, log-rolling, memoir-novel, miracle play, morality play, mystery play, myth criticism, Newgate novel, nonce word, nonsense verse, passion play, pattern poetry, portmanteau word, pot-boiler, problem play, proscenium arch, prose poem, pseudo-statement, Queer theory, reception theory, Restoration comedy, revenge tragedy, rhyme scheme, satyr play, school drama, science fiction, sensation novel, slant rhyme, slave narrative, socialist realism, stock character, stock response, surface structure, university wits, variorum edition, verse paragraph.

3. *NPN* – 13 та термин of предлогли: anxiety of influence, comedy of humours, comedy of manners, dissociation of sensibility, horizon of expectations, matter of Britain, point of view, sociology of literature, stream of consciousness, theatre of cruelty, theatre of the absurd, tragedy of blood; 1 та *in* предлогли: theatre in the round; 3та *and* боғловчили: Apollonian and Dionysian, bob and wheel, Sturm and Drang.

4. *NumN* – 2 та термин: four-hander, two-hander.

5. *NNN* – 5 та термин: country house poem, kitchen-sink drama, reader-response criticism, Speech act theory, tail-rhyme stanza.

6. *AdjNN* – 3 та термин: local color writing, silver-fork novel, strong-stress metre.

7. *AdjAdjN* – 2 та термин: Angry Young Men, free indirect style.

8. *NumNN* – 2 та термин: well-made play.

9. *AdvAdjN* – 1 та термин:

10. poultter's measure

11. art for art's sake

Юқорида берилган от таркибли мураккаб адабиётшунослик терминларга аффиксал тузилиши жиҳатдан қарасак, ҳам бош, ҳам тобе сўзлар содда сўзлар (drama, metre, measure, novel, play, poem, rhyme, rhythm, school, sonnet, stanza, theatre, verse, word) ва ясама от ва сифатлар (character, criticism, comedy, epic, dramatic, heroic, poetic, poetry, romance, tragic, tragedy) орқали ифодаланган. Маълумки, от таркибли мураккаб адабиётшунослик терминлари бош сўзлар ва тобе сўзлар, яъни модификаторлардан иборат. Ушбу сўзлар ўзининг самарадорлик даражаси билан характерланади ва бу, уларнинг валентлигида ифодаланади. Валентлик – бу, бош сўз ва унга тобе сўзнинг қай даражада самарали ифодаланиш кўрсаткичи ҳисобланади. Мураккаб таркиблардаги бош сўзлар турли даражали умумлашган гиперонимлар бўлиб, тобе сўзлар эса

гипонимлик хусусиятига эга бўлади. Тобе сўз вазифасида келган гиперонимлар ўз маъносини тўлалигича ифодамай олмайди, аммо бош сўз бўлиб келганда ўз маъносини тўла тўқис ифодамайди. Демак, битта сўз ҳам гипероним ҳам гипоним вазифасида келиб, маъно ифодаланиши жиҳатдан фарқ қилиб келади. Таққосланг: *tragic irony – revenge tragedy*.

От таркибли мураккаб адабиётшунослик терминларнинг валентлик компонентларини аниқлаш мақсадида сўзларнинг бош сўз ва тобе сўз сифатида ишлатилиш самарадорлигини кўриб чиқишга ҳаракат қилдик. Қуйида таҳлилга тортган луғатимиздаги баъзи бош сўзларнинг валентлик кўрсаткичларидан намуналар келтирамиз.

Луғатимиздаги мураккаб адабиётшунослик терминларида бош сўз вазифасида максимал даражада ишлатилган сўз *rhyme* бўлиб, 14 марта ишлатилган: *broken rhyme, crossed rhyme, double rhyme, feminine rhyme, imperfect rhyme, internal rhyme, leonine rhyme, end rhyme, eye rhyme, slant rhyme, masculine rhyme, mosaic rhyme, nursery rhyme, triple rhyme*.

Кейингиси *verse* бўлиб, 13 марта ишлатилган: *accentual verse, amoebean verses, blank verse, catalogue verse, free verse, goliardic verse, Hudibrastic verse, light verse, nonsense verse, macaronic verse, occasional verse, quantitative verse, syllabic verse*.

10 валентли компонент: *novel* - *campus novel, epistolary novel, Gothic novel, historical novel, memoir novel, Newgate novel, sensation novel, sentimental novel, silver-fork novel, picaresque novel*.

9 валентли компонентларга: *metre* – *alliterative metre, ballad metre, Burns metre, common metre, duple metre, long metre, short metre, strong-stress metre, triple metre*.

play – *chronicle play, discussion play, history play, miracle play, morality play, mystery play, passion play, problem play, satyr play*.

8 валентли компонент: *poetry* – *bucolic poetry, concrete poetry, confessional poetry, Georgian poetry, graveyard poetry, heroic poetry, pattern poetry, topographical poetry*.

7 валентли компонентларга: *comedy* – *black comedy, city comedy/citizen comedy, New Comedy, Restoration comedy, Old Comedy, romantic comedy, sentimental comedy*.

drama – *academic drama, closet drama, heroic drama, kitchen-sink drama, school drama, liturgical drama, poetic drama*.

5 валентли компонент: *stanza* – *ballad stanza, Burns stanza, Chaucerian stanza, Spenserian stanza, tail-rhyme stanza*.

3 валентли компонентлар: *rhythm* – *falling rhythm, rising rhythm, sprung rhythm; poem* – *country house poem, conversation poem, prose poem; sonnet* – *curtal sonnet, Italian sonnet, Miltonic sonnet; story* – *frame story, short story, tall story; tragedy* – *domestic tragedy, revenge tragedy, Senecan tragedy* ва бошқалар.

2 валентли компонентлар: *word* – *nonce word, portmanteau word; school* – *Cambridge school, Geneva school* ва бошқалар.

Бир валентли компонентлар: *theatre* – *epic theatre, foot* – *detective foot* ва бошқалар.

Кўриб турганимиздек, чап томондаги компонентлар, яъни мураккаб сўзларнинг модификаторлари нафақат от сўз туркумига хос сўзлардан, балки сифат, сон ва бошқа сўз туркумига хос сўзлардан ҳам иборат бўлиши мумкин, аммо улар бош сўз вазифасида ишлатилмайди.

Энди тобе сўзларнинг валентлик кўрсаткичларига эътиборимизни қаратамиз. Луғатимиздаги мураккаб терминлардаги тобе сўзларнинг 15 тасида валентлик даражаси биттадан кўп. Улардан биттаси 4 валентли: *poetic* – *poetic diction, poetic drama, poetic justice, poetic licence*; биттаси 3 валентли: *heroic* – *heroic couplet, heroic drama, heroic poetry* ва қолганлари икки валентли кўрсаткичли компонентлар: *dramatic* – *dramatic irony, dramatic monologue; epic* – *epic simile, epic theatre; short* – *short story, short metre; tragic irony, tragic flaw; triple* – *triple metre, triple rhyme* ва бошқалар. Юқоридаги маълумотлардан бош сўзлардаги валентлилик тобе сўзларнинг валентлиликдан устун эканлигини кўрдик.

Таҳлил жараёнида от таркибли мураккаб адабиётшунослик терминлари таркибидаги сўзлардан ҳам бош сўз, ҳам тобе сўз вазифасида келган компонентларга ҳам дуч келдик. Улар жуда озчиликни ташкил қилади. Масалан: *rhyme* – *rhyme scheme* ва *triple rhyme; school* – *school drama* ва *Geneva school; verse* – *verse paragraph* ва *syllabic verse*.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, от таркибли мураккаб терминларда фақатгина уларга хос бўлган гипоним-гипероним муносабатлари мавжуд. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бош сўзлар ўз маъносини тўла-тўқис ифодамай келади. Тобе сўзлар эса тўлалигича ифодамай олмайди ва гипоним сифатида қабул қилинади.

Энди эътиборимизни сифат таркибли мураккаб адабиётшунослик терминларга

қаратамиз. Сифат таркибли мураккаб адабиётшунослик терминларининг морфологик таркиби хилма-хиллиги билан ажралиб турмайди. Ушбу таркибли терминлар асосан *AdjAdj* таркибли бўлиб, таҳлилга тортган луғатимизда улар жуда кам учрайди ва фақатгина 2% ни ташкил этди: *collective unconscious, objective correlative, Scottish Chaucerians, transcendental signified*. Бундан ташқари *Nadj* таркибли сифат составли мураккаб адабиётшунослик терминлари ҳам мавжуд ва улар ҳам луғатимиздаги терминларнинг 2% ини ташкил этди: *end-stopped, mock epic, mock-heroic, penny dreadful, rhyme royal*.

Сифат таркибли мураккаб бирикмалар асосан бош сўзнинг аниқловчиси вазифасида келади. Аниқловчи вазифасида келадиган қўшма сўзлар таркиби бош сўз ва тобе

сўзлардан иборат бўлмайди. Шунинг учун сифат таркибли қўшма сўзларнинг таркиби ҳақида сўз юритганда, улардаги компонентлар “биринчи компонент” ва “иккинчи компонент”, деб ифодаланади. Қўшма сифатлардаги иккала компонент ҳам ясама сифатлардан иборат бўлиб, улар асосан қуйидаги суффикслар орқали ясалган: - *ive, -ic, -al, -ous, -ed*.

Адабиётшунослик терминлари мисолида от ва сифат таркибли мураккаб бирикмаларни ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдикки, терминлар бир хил сўзларнинг турли хил бирикишлари натижасида ҳосил бўлади. Адабиётшунослик терминологиясида от ва сифат таркибли қўшма терминлар ўз ўрнига эга. Улар сўз бирикмалари ясашда семантик асос сифатида хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Abrams M. H. A Glossary of Literary terms. – Heinle & Heinle, a division of Thomson Learning, Inc., 1999.
2. Baldick Chris. The Concise Oxford Dictionary of Literary terms. - Oxford: Oxford University Press, 2001.
3. Cuddon J.A. Dictionary of Literary terms and literary theory. – Fourth edition published in Penguin Books, 1999.
4. Гринев-Гриневич С.В. Терминоведение. – М.: Академия, 2008.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).